# 30-IYUN — YOSHLAR KUNI

1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

YOSHLAR OVOZI

Тонгги сони

2018-YIL 30-IYUN SHANBA

76 (16233)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ёшлар, азиз ўғил-қизларим!

Сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни мамлакатимизда биринчи марта нишонланаётган қутлуғ айём – Ёшлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай қувончли кунда, аввало, юртимизда кейинги пайтда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани, ўғил-қизларимизнинг ижтимоий фаоллиги, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини, замонавий, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишда навқирон авлодимизнинг муносиб иштирок этаётганини барчамиз миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш биз олиб бораётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб, бу йўлда улкан ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Ўтган бир йилнинг ўзида ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган 20 дан зиёд қонун, фармон ва қарорлар қабул қилингани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Айниқса, сизларнинг ташаббусингиз билан бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани ёшларимиз, бутун эл-юртимиз ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди.

Албатта, бир йил – тарих учун жуда қисқа фурсат. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўтган қисқа даврда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўлида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қиладиган муҳим ижтимоий тузилмага айланди.

Шу асосда ёш авлодимизнинг гражданлик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда.

Бунинг амалий тасдиғини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Хусусан, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш тадбиркорларга, айниқса, қизларимизга ҳунармандлик билан шуғулланишлари учун кредитлар ажратиш, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш, фермерликни қўллаб-қувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Фақат бир йил давомида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тавсияси билан 4 минг 300 га яқин йигит-қизларимизга банклар томонидан 216 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилгани, 184 минг 300 дан зиёд фарзандларимиз иш билан таъминлангани эътиборга лойиқ.

Мамлакатимизда марказий ва маҳаллий ҳокимлик идоралари, депутатлар корпуси, суд-ҳуқуқ соҳаси раҳбарларининг ёшлар билан очиқ мулоқотлар олиб бориши ижобий аньанага айланиб бормоқда. Бундай мулоқот ва учрашувларда ёшларни қийнаётган кўпгина муаммолар жойида ҳал этилмоқда, уларга амалий ёрдам, малакали маслаҳат ва йўлланмалар берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз.

Бу борада ёш, истиқболли кадрлар учун тажриба ва маҳорат мактабини ўтаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сафларида тобланган, замонавий билим ва кўникмага, етакчилик салоҳиятига эга бўлган кўплаб ёшлар вазирлик ва идоралар, йирик компания ва банклар, хўжалик бирлашмаларига масъул лавозимларга тайинланаётгани ҳаётимизга янгича руҳ ва мазмун бағишламоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## “МАРД ЎҒЛОН” ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ–5106-сон фармони ва 2017 йил 21 ноябрдаги “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3402-сон қарорига асосан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганларга “Ёшлар куни” арафасида ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига “Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қ.Қ.Қуронбоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 июнь

Central Asian Youth Forum

## ҲАМКОРЛИК ХАЙРИХОҲЛИКДАН БОШЛАНАДИ

*Аввал хабар қилганимиздек, Самарқандда биринчи маротаба Марказий Осиё ёшлари форуми ўтказилди. Қардош халқлар ёшлари ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳа ва дастурларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш ҳамда ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган халқаро анжуманда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, шунингдек, Қозоғистон “Нур отан” партиясининг “Жас отан” ёшлар қаноти, Қирғизистон давлат ёшлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси агентлиги, Тожикистон ҳукумати ёшлар ва спорт қўмитаси, Туркманистоннинг спорт ва ёшлар сиёсати вазирлиги ҳамда Махтумқули номидаги Туркманистон ёшлар ташкилоти кенгаши вакиллари иштирок этмоқда.*

*“Ҳудудларда барқарор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга эришиш жараёнида Марказий Осиёдаги ёш етакчиларнинг ўрни” мавзуидаги форумнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев иштирокчиларга мамлакатимизда ёшлар масаласида қилинаётган ишлар хусусида маълумот берди. Анжуман қардош халқлар ёшлари ҳаётидаги унутилмас воқеага айланиб, таълим, илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашиш майдони бўлиб хизмат қилишига умид боғланди.*



### ТАЪЛИМДА ЮКСАЛИШ

Дастлаб, форум доирасида “Фан ва таълим ривожида ёшларнинг роли” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё ёшларининг илм-фанга бўлган қизиқиши, эришган ютуқлари таҳлил қилинди. Таълим тизимини такомиллаштириш, ёш олим ва изланувчиларни рағбатлантириб, тўғри йўналтириш борасидаги ишлар юзасидан тажриба алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазири ўринбосари Узоқ Бегимқулов минтақадаги олий ўқув юртларининг ўзаро ҳамкорлиги хусусида тўхталиб, юртимизнинг қўшни мамлакатлар билан таълим соҳасидаги алоқалари мустаҳкамланганини таъкидлади. Қайд этилганидек, Президентимизнинг ташаббуси билан чегаралар очилгани минтақалараро талабалар алмашинуви, турли илмий-амалий конференцияларда ҳамкорлик, илмий тадқиқот ишларида тажриба алмашиш имконини бермоқда. Мамлакатимизда жорий этилган хорижлик фуқароларни имтиҳонларсиз, суҳбат асосида олий таълим муассасаларига қабул қилиш тизими ҳам соҳадаги ҳамкорликни янада кучайтиради. Айни пайтда Ўзбекистонда таҳсил олиш истагини билдирган хорижлик йигит-қизлар сони ортмоқда.

— Бугунги анжуманда талабалар алмашинуви тизимини яратиш, турли илмий-амалий конференциялар ташкил этиш борасида келишиб олдик, — дейди У. Бегимқулов. — Таълим борасида ўзаро тажриба алмашиш барчамиз учун бирдек фойдали. Бу минтақада соҳа янада ривожланиб, янгидан-янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилишига туртки бўлади.

Давра суҳбати давомида хорижлик мутахассислар ҳам бир қатор мавзуларда нутқ сўзлади. Улар мамлакатимиздаги илм-фан тараққиётини холис баҳолаб, тармоқдаги тажрибалари билан ўртоқлашди. Анжуманда таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор вазифалари кўриб чиқилди. Келгусида Марказий Осиё мамлакатлараро маҳаллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, олийгоҳларда халқаро координат, ўқувчи-ёшларнинг идора ва клублари, талабалар ҳукумати фаолиятини йўлга қўйиш бўйича таклифлар билдирилди. Минтақадаги ёшлар иштирокида соҳани ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олинди.

— Анжуман дўстлик муносабатларини боғловчи занжир вазифасини бажаради, — дейди Туркманистоннинг Махтумқули номидаги ёшлар ташкилоти вакили Абдылла Аннабердиев. — Унда таълим йўналишидаги ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган давра суҳбатида бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Айниқса, талабалар алмашинуви борасида келишувга эришилгани катта янгиликлардан бири бўлди. Ҳозирги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-маърифий, қардошлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳамкорликда амалга ошираётган ишларимиз, албатта, ўз мевасини беради.

### МУШТАРАК ҲАМКОРЛИК

Марказий Осиё халқларини кўп минг йиллик қардошлик ва яхши қўшнилик ришталари бирлаштиради. Дунё тамаддуни ривожига ҳисса қўшаётган ноёб маданият ва аньаналар минтақадаги миллатлар ҳамкорлигининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Форум давомида ўтказилган навбатдаги анжуман Марказий Осиё ҳудудлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, бу борада қилинадиган ишларга бағишланди. Иштирокчилар ушбу соҳада давлат ва жамият равнақи учун аҳамиятли бўлган лойиҳаларини тақдим этди.

Давра суҳбатида маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан кўплаб таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, юртимиздаги мутолаа маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар, тарғибот ишлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотиб, бу тажрибани қўшни мамлакатларда ҳам татбиқ қилишга келишиб олинди.

— Форумда маданий ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан келгусида қилинадиган ишлар режаси тузилмоқда, — дейди Қирғизистон давлат ёшлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси агентлиги бўлим бошлиғи Лаура Жуманова. — Мамлакатларимиз ёшлари ўртасида ташкил этилаётган турли маданий тадбирлар, спорт мусобақалари барчани қизиқтириб қўйди. Истардимки, қирғиз-ўзбек маданий алоқалари ҳам шу тарзда ривож топса.

Қозоғистонлик мутахассислар ҳам ўз лойиҳалари ҳақида маълумот берар экан, янада мустаҳкамланаётган дўстлик алоқалари натижасида Марказий Осиё бўйлаб ҳар бир мамлакатнинг маданият кунларини амалга ошириш таклифини берди. Минтақа бўйлаб миллий рақс, халқаро мусиқа фестивалларини ўтказиш ҳам санъат майдонининг кенгайишига хизмат қилади. Иштирокчилар соҳага оид стипендия ва грантларни жорий этиш айни муддао бўлишини қайд этди. Меҳмонлар Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузуридаги маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг фаолияти билан танишди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ИТТИФОҚДАН БАРАКА ТОПДИМ

**Камолжон АЛИКОВ,**
“Регистон-Камолжон” хусусий корхонаси раҳбари



Ўн икки ёшда ота-онамдан айрилдим. Қариндошлар мени бошпанасиз қолдирди. Кўчада қолдим. Ҳолимдан хабар оладиганим бўлмади. Ҳаётнинг ўзи тарбиялади, улғайтирди, йўл кўрсатди.

Йигирма бирга чиқдим. Самарқанд шаҳридаги “Ҳожисоат” маҳалласида ижарада тураман. Энди ёш бола эмасман, ўнгланиб, яхши яшашим, уйим, оилам бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлардим. Коллежда ўқиб юрган кезларим шаҳардаги нон ва қандолат маҳсулотлари корхонасида ишлай бошладим. Бу ерда кўп нарсаларни ўргандим, муҳими, ўз бизнесимни бошлаш нияти туғилди.

Ниҳоят, илк қадам ташланди — кредит олиш ҳаракатига тушдим. Лекин ҳар гал ноумид бўлиб қайтардим. Чунки қайси банкка мурожаат қилмай, гаровга мулк сўрарди. Шаштим сўнди, ақалли биров лойиҳанинг қандай, татбиқ этишга ярайдими-йўқми дея, қизиқмагани ҳафсаламни пир қилди.

Бошимни қайси деворга уришни билмай юрган кунларимнинг бирида Иттифоқнинг кўпгина ёшларга кўмак бераётгани ҳақида эшитдим. Пойтахтга йўл олдим. Марказий Кенгаш раиси Қаҳрамон Қуранбаев билан шахсан учрашдим. Суҳбатлашдик. Шунча йилдан бери энди ота меҳрини туйгандек бўлдим, ўшанда. Ёрдам беришни ваъда қилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади — менга тадбиркорлик фаолиятимни бошлаш учун алоҳида бино ва имтиёзли кредит ажратилди. Шу кунгача ғамхўрликни ҳис қилмагандим, севинчимни сўз билан таърифлай олмайман. Бир сўз билан айтганда, мен Иттифоқдан барака топдим.

Бугун мўъжазгина хонамда иш қизғин. Туну кун ишласак-да чарчашни билмаймиз. Энди, албатта, билдирилган ишончни оқлашимиз керак. Ҳозирча тўрт нафар тенгдошим менга елкадош. Бу ишлар бардавом бўлишига имоним комил. Янгидан-янги тадбиркорлик субьектлари яратиб, ишсизларни банд қиламан.

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегияси доирасида "Ёшлар – келажак бунёдкори", "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Ақлли шаҳар" каби кенг қамровли дастурларни амалга оширишда айнан ана шундай ташаббускор, ҳар бир масалага янгича ёндашадиган ўғил-қизларимиз фаол иштирок этаётгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни хурсанд қилади.

Ишонаман, бундай улкан бунёдкорлик жараёнлари ёшларимиз илгари сураётган лойиҳа ва ташаббусларни юзага чиқаришда, уларнинг эл-юртимизга фидойи раҳбар ва мутахассис, ҳақиқий шахс ва граждан бўлиб шаклланишида беқиёс ўрин тутади.

Жонажон Ватанимизнинг янги қиёфасини яратишда ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлаётган азму шижоатли ёшларимиз учун "Мард ўғлон" давлат мукофоти ҳамда "Келажак бунёдкори" медалини таъсис этганимиз ва бугун сизларнинг орангизда шу мукофотларнинг илк совриндорлари борлиги барчамизга мамнуният бағишлайди.

Ўтган бир йил мобайнида ўғил-қизларимиздан 266 нафари республика, 80 нафари халқаро фан олимпиадалари ғолиблари бўлгани, спортчиларимиздан 12 нафари жаҳон, 93 нафари Осиё чемпионатларида, 150 нафардан зиёди халқаро мусобақаларда юксак шоҳсупаларга кўтарилганини ана шундай эзгу ишларимизнинг дастлабки натижалари сифатида қабул қиламиз.

Ёшларимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун таълим-тарбия соҳасида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларининг замонавий тизими яратилмоқда, умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълим жорий этилмоқда. Олий таълим тизимида янги, замонавий билим масканлари, жумладан, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, соҳа фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда.

Юртимизда Темурбеклар ҳарбий лицейлари, Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек мактаблари, атоқли адибларимиз номидаги ижод мактаблари ташкил этилгани униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб авлод этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Биз бу борадаги ишларни келгусида ҳам албатта изчил давом эттирамиз. Хусусан, иқтидорли ёшларимизни дунёнинг энг етакчи университетлари, илмий марказларида давлат ҳомийлигида ўқитиш, малакасини ошириш бўйича самарали тизим яратиш – олдимизда турган муҳим вазифадир.

Ёшларни, ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳам биз учун энг муҳим ва устувор йўналишга айланиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида Ёшлар уйларини барпо этиш дастури ҳаётга изчил жорий этилаётганини таъкидлаш лозим.

Қадрли ўғил-қизларим!

Бугунги байрам кунида барчамизнинг умид ва ишончимиз бўлган сиз, азиз ёшларнинг эришган ютуқларингиз билан бирга янги вазифалар, ечимини кутиб турган камчилик ва муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг навқирон йигит-қизларни иш билан таъминлаш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, фарзандларимиз ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш лозим.

Афсуски, ёшларимиз ҳаётидаги катта-кичик ҳар бир муаммога жиддий қараб, аниқ амалий ечим топиш, ёшлар билан бевосита ишлаш, доимий мулоқот қилиш ўрнига дабдабали тадбирлар ўтказиш, кампаниябозликка берилишдек яроқсиз иш усулидан ҳали ҳам бутунлай қутулганимиз йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз барчамиз эндигина бир йиллик шаклланиш йўлини босиб ўтган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тезроқ улғайиши, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий тизимида, ёшларимиз ҳаётида ўзининг мустаҳкам ва муносиб ўрнини топишини истаймиз ва бунинг учун зарур амалий ёрдам беришга тайёрмиз.

Балки бугунги қувончли айёмда бундай нохуш ҳолатларни эслаш жоиз эмасдир. Лекин биз ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, муаммоларимизни ўзимиз бартараф этмасак, ҳеч ким четдан келиб уларни биз учун ҳал қилиб бермайди.

Ёшларимизнинг ҳаётий муаммоларига янада кўпроқ эътибор қаратиш, уларга мос бўлган замонавий иш ўринларини кўпайтириш, эзгу интилиш ва ташаббуслари, инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш, ёш авлодимизнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш бундан буён ҳам барча даражадаги давлат идораларининг энг асосий, ҳал қилувчи вазифаси бўлиб қолади.

Ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун Ёшлар тадбиркорлиги ҳудудлари, Тошкент шаҳрида Ёшлар инновацион технопаркини ташкил этиш, шунингдек, Фанлар академиясига қарашли илмий лабораториялар ва марказлар негизида ёш олимларнинг илмий тадқиқотларини йўлга қўйиш каби ишларни сизларнинг фаол иштирокингиз билан яқин келажакда амалга оширамиз.

Куни кеча қабул қилинган "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида ташкил этилган махсус жамғарма мамлакатимиз иқтисодиётида замонавий технологияларни қўллаш, ёшларни бу жараёнга кенг жалб этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимиз томонидан бу борада илгари сурилаётган ташаббуслар, жумладан, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги таклифларимиз халқаро миқёсда қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз – бугунги шиддат билан ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги уфқ ва имкониятлар очиш билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор этмоқда.

Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби таҳдидлар қанча-қанча оилалар, мамлакатлар бошига оғир кулфатлар олиб келмоқда, ғаразли кучлар ҳали онгу тафаккури тўла шаклланиб улгурмаган болаларни ўз ота-онаси, Ватанига қарши қўйиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда.

Шунинг учун биз – ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада ошириб, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, бу дунё ҳақиқатан ҳам кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг қуролига айланиб бораётганини чуқур англаб, шу борада жаҳолатга қарши маърифат асосида иш олиб боришимиз зарур.

Халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик ва олижаноблик фазилатларидан келиб чиқиб, билиб-билмай жиноятга қўл урган, тўғри йўлдан адашган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган ёшларни кечириш ва тинч ҳаётга қайтаришга юртимизда катта эътибор қаратилмоқда.

Ана шундай амалий ишларимиз туфайли юзлаб ёшлар – Ўзбекистон фуқаролари ота-онаси, оиласи бағрига қайтгани жамиятимизда соғлом ижтимоий муҳитни, инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳурматли дўстлар!

Биз – барчамиз, қаерда бўлмайлик, ягона Ўзбекистон фарзандлари эканимизни англаб, шу буюк туйғуни эъзозлаб яшасак, албатта кам бўлмаймиз.

Шунинг учун биз чет элларда турли соҳаларда жиддий ютуқларга эришган ватандошларимиз ташаббуси билан "Буюк келажак" халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти тузилганини қўллаб-қувватлаймиз. Хорижий давлатларда ўқиб, меҳнат қилаётган барча юртдошларимиз, биринчи навбатда ёшларимизнинг билими ва имкониятларини Ватанимиз равнақи йўлида бирлаштириш биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга тўла жавоб беради.

Айни вақтда Ўзбекистон ёшларининг замон билан ҳамнафас бўлиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларидаги тенгдошлари билан самарали мулоқот, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиши ғоят муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Шу кунларда юртимизда бўлиб ўтаётган Марказий Осиё ёшлари форуми ана шундай кенг миқёсдаги мулоқот йўлида дастлабки жиддий қадамдир.

Азиз ёшлар, қадрли фарзандларим!

Мана шу қувончли кунда сизларни, кўпмиллатли Ўзбекистон халқини ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни устувор вазифа сифатида бугун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда ўз мустаҳкам ўрнингизни топишингиз, бахтли бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Сиз, жондан азиз ўғил-қизларимиздан фақат битта илтимосимиз, битта тилагимиз бор: ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, халқимизнинг сизлардан кутаётган орзу-умидларини амалий ишлар билан рўёбга чиқариш йўлида ҳорманг, чарчаманг!

Ўқиш-ўрганиш, доимий изланиш, илм-фанга, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилиб яшаш доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Мен сизларнинг ҳар бирингизга эл-юртимиз фахрланадиган, жонажон Ўзбекистонимизнинг муносиб фарзанди, ҳақиқий инсон бўлиш бахти насиб этишини тилайман.

Сизларни Ёшлар куни билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга янги ютуқлар, бахт ва омад тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз фарзандларим!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги ПҚ–3816-сон қарорига илова*

## "МАРД ЎҒЛОН" ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

**Мамбетназаров Исламбек Муратбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси сув спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг академик эшкак эшиш бўйича мураббийи

**Сагатов Сабур Бахтияр ули** — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги "Комсервис Шуманай" хусусий корхонаси директори

**Мусабоев Шахризод Тўйчибек ўғли** — Андижон вилояти Балиқчи туманидаги "Олтин ер ҳимоя" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Холдаров Иқболжон Боходиржон ўғли** — Андижон давлат университетининг 3-босқич талабаси

**Рахмонов Шерзод Толибович** — Бухоро вилояти Пешку туманидаги "Ҳамро Рахмон чорва" фермер хўжалиги бошлиғи

**Ҳайдаров Мухаммад Шамсиддин ўғли** — "Ҳунарманд" уюшмасининг Бухоро вилояти Шофиркон тумани бўлими аъзоси, ёғоч ўймакор уста

**Исроилов Отабек Батирович** —"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг Жиззах темир йўл масофаси етакчи муҳандиси

**Холйигитов Беҳзод Мардибой ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси (Жиззах вилояти)

**Абдисалимов Абдималик Боходир ўғли** — Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 75-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

**Турсунов Жаҳонгир Юсуп ўғли** — Республика дизайн коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Қашқадарё вилояти)

**Ғаффоров Иброҳимжон Қобилжон ўғли** — Навоий вилояти Кармана туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

**Қудратов Истам Сафар ўғли** — "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси электрочилангари

**Муродуллаев Сарварбек Жавлонбек ўғли** — Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг 4-босқич талабаси

**Юсупов Мухаммадхон Олим ўғли** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Республика ёш ижодкорлар Кенгаши етакчи мутахассиси (Наманган вилояти)

**Аликов Камолжон Камтар ўғли** — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги "Регистон Камолжон" хусусий корхонаси раҳбари

**Баҳромов Илҳом Исмоил ўғли** — Республика олимпия захиралари коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

**Каюмхужаев Одилхужа Икромхужа ўғли** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

**Хамдамов Жавлонбек Бахтиёр ўғли** — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

**Жалолов Баҳодир Исомиддин ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси (Сурхондарё вилояти)

**Тухташов Санжар Кароматович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Термиз шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

**Сабриддинов Аслиддин Диёриддин ўғли** — Тошкент вилояти Паркент агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

**Султонов Отабек Қурбонбой ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи 3-босқич ўқувчиси (Тошкент вилояти)

**Рустамов Ойбек Ровшанжон ўғли** — Фарғона вилояти "Қўқон-1912" профессионал футбол клуби аъзоси

**Хошимов Қобилжон Қосимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ҳарбий қисм взвод командири (Фарғона вилояти)

**Аллабергенов Зафар Улугбекович** — Урганч давлат университетининг 1-босқич талабаси

**Эгамберганов Хакимбой Кудрат ўғли** — Ўзбекистон Миллий университетининг 4-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

**Абдулбоқиев Жамшид Фозил ўғли** — Тошкент шаҳар Олмазор тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг 17-ИИБ профилактика инспектори

**Шукуров Ровшанбек Абдурахманович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ходими (Тошкент шаҳри)

MUNOSABAT

# "YOSHLAR – KELAJAGIMIZ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ

**у соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқади**

Халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши фарзандларимизнинг таълим-тарбиясига, комил инсон бўлиб вояга етишига бевосита боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом, ақлан етук, интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинади.

Жорий йилнинг 27 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ги фармони бу борада олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ 2018 йил 1 июлдан бошлаб республикамизнинг барча туман (шаҳар)ларида "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури амалга оширилиши ҳамда дастурдаги тадбирларни молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармаси, шунингдек, унинг туман ва шаҳар филиаллари ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу жамғарма маблағларидан ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш, Давлат дастури доирасида олинадиган кредитлар бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кафилликлар бериш, ёшларнинг қайта тайёрланиши ва малака оширишини ташкил этиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, уларга бизнес юритиш кўникмаларини сингдириш каби дастурда белгиланган муҳим вазифалар молиялаштирилади.

Бундан ташқари, Давлат дастурида масъул раҳбарлар ва мутахассислардан иборат республика ва ҳудудий Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш комиссиялари ташкил этилиши ҳам белгиланган. Мазкур комиссияларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлайдиган ёшларни аниқлаш мақсадида уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар ташкил этиш, уларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоя ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда, зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлашда ҳамда расмийлаштиришда кўмаклашиш каби вазифалар топширилмоқда. Бу каби омиллар ёшларнинг бандлигини таъминлаш билан бирга соҳанинг янада тараққий этишида муҳимдир.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур фармони замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига оладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Козим ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси.**
**ЎзА**

# ҲАМКОРЛИК ХАЙРИХОҲЛИКДАН БОШЛАНАДИ



(Бошланиши 1-саҳифада)

— Марказий Осиё давлатларининг истеъдодли, иқтидорли ёшлари иштирок этаётган бу форум тарихий ҳодиса, — дейди Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков. — Бу каби анжуманларда илмга, меҳнатга чанқоқ йигит-қизлар сабаб давлатларимиз ўртасида маданий кўприк ўрнатилса, санъаткор, ижодкорлар ўзаро ҳамкорликда иш олиб борса, мамлакатимиз эртаси янада порлоқ бўлади.

### ТУРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Дунёда туризмни ривожлантириш эвазига мамлакат иқтисодига яхшигина даромад келиб тушади. Бу орқали янги иш ўринлари яратилиб, ўзаро дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланади. "Ёшлар туризми — Марказий Осиё тараққиётининг муҳим омили" мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Унда хорижлик иштирокчилар соҳа юзасидан тажрибалари билан ўртоқлашар экан, сайёҳлик ривожи йўлида қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот бериб, ўз таклиф ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Маърузалар тақдимот шаклида ўтказилгани мавзу аудиторияга янада тушунарли бўлишини таъминлади.

Хусусан, Тожикистон ёшлар иттифоқи раиси ўринбосари Умед Раҳимзода юртида бу борада қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Ёшлар спорти қўмитаси, футбол федерацияси ҳамда Иттифоқ ҳамкорлигида "Тожикистон ҳудудлари бўйлаб ёшлар меҳмондўстлиги" деб номланган лойиҳа амалга оширилаётганини қайд этди. Унга кўра, марказдан олисда яшовчи йигит-қизлар билан мамлакатнинг диққатга сазовор ҳудудларига саёҳат уюштирилади. 3-5 кунлик сафар давомида ёшлар туғилиб ўсган гўшасининг маданият ўчоқларини ўз кўзи билан кўриш имконига эга бўлади.

Яна бир лойиҳада хорижда таҳсил олаётган тожикистонлик талабалар ҳар йили таътилда бирга ўқиётган дўстларини мамлакатга таклиф қилади. Саёҳатда йигит-қизлар тарихий қадамжоларни зиёрат қилиш баробарида таълим масканлари фаолияти билан ҳам танишади. Бу туризм ривожига катта ҳисса қўшиш баробарида хорижлик ёшларнинг минтақага бўлган қизиқишини орттиради.

Давра суҳбатида мамлакатларнинг туризм салоҳиятини тарғиб этувчи кўрсатув, эшиттириш, мақолаларни кўпайтириш, интернет тармоқларида мунтазам равишда бериб бориш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди. Делегатлар бу борада бевосита ҳамкорлик қилишга тайёр эканини маълум қилди.




— Мамлакатимизда 7 миллиондан зиёд маданий ёдгорликлар мавжуд. Бу эса диёримизга ташриф буюраётган меҳмонларнинг қизиқишини янада оширмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Шоҳруҳ Шоаҳмедов. — Айниқса, юртимизда чегара постларидан ўтишнинг осонлаштирилгани қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Яқин келажакда темир йўл ва мунтазам транспорт қатновини йўлга қўйиш, электрон ва транзит визаларни жорий этиш ҳам режалаштирилган. Бу жараёнга ёшларни кўпроқ жалб этиш, ходимларнинг малакасини ошириш, маданий фестиваллар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

***

Бугун форум иштирокчилари жорий йилнинг 11-12 июн кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган "Терроризмга олиб келувчи тажовузкор экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда ёшларнинг роли" мавзусида халқаро конференцияда кўтарилган масалаларни муҳокама қилади.

**Тўмарис БУТУНБОЕВА, Санжар ЭШМУРОДОВ, Нозима МИЯССАРОВА, Равшан ОМОНОВ, Шерзод МАҲМУДОВ тайёрлади.**
**Рустам НАЗАРМАТОВ**

**Бугун адабиётни, маънавиятни, китобхонликни ривожлантириш бўйича айтишга арзирли ислоҳотлар бўляпти. Бундан бир йил аввал ўз фаолиятини бошлаган Ёш ижодкорлар кенгаши бунга ёрқин мисол бўла олади. Кенгаш аъзолари адабий жараёнда туб бурилиш ясашга ҳали улгурмагандир. Аммо бир талай ёш ижодкорларни кашф қилди, уларни бир мақсад остида бирлаштириб, қўллаб-қувватламоқда.**



# БИЗГА ЁШ ВА КУЧЛИ АДАБИЁТ КЕРАК!

**ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЕНГАШИ БУГУНГА ҚАДАР УЧТА ЙИРИК ЛОЙИҲА — ЎЗБЕКИСТОН БАҲОРИ, I РЕСПУБЛИКА ЁШ ИЖОДКОРЛАР ФОРУМИ, ЁШ ТАРЖИМОНЛАР ҲАФТАЛИГИНИ ЎТКАЗДИ. УНДА УЧ ЮЗГА ЯҚИН ЁШ ИШТИРОК ЭТДИ.**

**ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЕНГАШИ ЭНДИ ЯНГИ — АДАБИЙ ТУРИЗМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙМОҚЧИ. ЁШ ТАРЖИМОНЛАР, АДАБИЙ ГИДЛАР МАКТАБИ ЯРАТИЛАДИ.**

**ИЮЛЬ ОЙИДА КЕНГАШ ТОМОНИДАН ЖИЗЗАХДА “ЗОМИН ЖИЛҒАЛАРИ” НОМЛИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ.**

**ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ХАЛҚАРО МИҚЁСДА “САМАРҚАНД ШЕЪР ОҚШОМЛАРИ” НОМЛИ ИЖОДИЙ КЕЧА ЎТКАЗИЛАДИ.**

**Меҳриноз АББОСОВА,**
**Республика ёш ижодкорлар кенгаши раҳбари:**

— Кечагина Президент ва халқнинг ишончини оқлай олармиканман, деган ўйда эдим. Бугун-чи? Бироз тажрибасиз, аммо, янгиликка ўч жамоа билан тоғни талқон қилмаган бўлсак-да, ҳаммамиз ёш ва кучли адабиётни яратиш, ижодкор ёшларни юзага чиқариш мақсадида кўплаб лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Чин истеъдод соҳибларининг айримларини кашф этишга, халққа таништиришга мушарраф бўлдик. Уларни юзага чиқариш кўпроқ бизга, янги адабиётни, чин ижод маҳсулини соғинган халқимизга керак.

Ташкилотимизнинг шеърият, наср, публицистика, бадиий таржима, драматургия йўналишларига яқинда тасвирий санъатни ҳам киритдик. Навоий давридан адабиётга ёнма-ён бўлган бу санъат тури ҳозир ҳам юқорида мен санаган йўналишлар билан уйғунлик касб этади. Адабий танқидчилик йўналишида ҳам алоҳида ишлаяпмиз. Тенгдошларимизнинг бадиий савияси, адабий дидини ўстиришда ёш адабий танқидчилар авлодини шакллантириш ғоят муҳим вазифа. Йўлга чиқдикми, қайтиш йўқ! Ишонамизки, ёш ижодкорлар, адабиётимизнинг янги авлоди миллатимизнинг, халқимизнинг бекиёс куч-қудратига айланади.

Кенгаш аъзолари шеърият, наср, таржима, публицистика, тасвирий санъат, драматургия йўналишларида ижод қиладиган ёш ижодкорларни излаб топиш, уларни юзага чиқаришни кўзлаган. Айни пайтда республикамизнинг чекка-чекка туманларида ҳам ёш ижодкорлар мактаблари ташкил этилиши кўзда тутилган. Уларда юқоридаги олти йўналиш бўйича ижодий тўгараклар иши йўлга қўйилади. Яқин кунларда ҳудудий бўлимлар расман фаолиятини бошлайди.

# ЕРГА МЕҲР БЕР, ФЕРМЕР

Бобравшан ҒОЗИДДИНОВ

**Замонавий фермер фақат ғалла ва пахта етиштириб берувчи эмас, у қишлоқ хўжалигининг барча соҳасида билим ва тажрибага эга ишбилармон ҳисобланади. Ёш фермерларга ҳар томонлама кўмак бериш эса, соҳа ривожини таъминлайди.**



Сўнгги бир йил мобайнида юртимизда қатор ишлар амалга оширилди. Дастлаб Президентимиз ташаббуси билан республикада илк бор ёш фермерлар билан ишлаш бўйича янги тизим яратилди. Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида “Фермерлар билан ишлаш бўлими” ва иттифоқ муассислигида “Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши” нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилди. Бу тизим ерга меҳр берган, шижоатли, меҳнатсевар ёш фермерлар ҳамда иш бошлаш ниятида бўлган тенгдошларимизга қўл келди.

Ўтган даврда ёш фермерлар дуч келаётган муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш ҳамда кўп тармоқли хўжаликларни янада ривожлантириш учун комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида очиқ мулоқотлар ташкил этилди. Ушбу мулоқотларда 4 мингга яқин фаол, шижоатли, ташаббускор шунингдек, муаммога дуч келган ёш фермер ва тадбиркорлар иштирок этди. Худди шундай мулоқотлар ҳудудлардаги “Ёшлар ҳафталиги” доирасида ҳам ташкил этилди. Жараён давомида “Келажак фермери”, “Ўзбегим ёш фермери”, “Менинг далам — менинг фахрим”, “Она ер ёшлар қўлида”, “Кўп тармоқли — кўп даромадли” каби мавзуларда семинарлар ташкил этилди. Унда ёшлар соҳанинг етук мутахассислари, олим-агрономлар, илғор фермерлар билан тажриба алмашди.

**ЁШЛАРНИ ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ, КЎП ТАРМОҚЛИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА КЎМАКЛАШИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ.**

**ЁШ ФЕРМЕРЛАР ТОМОНИДАН ЕТИШТИРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШГА КЎМАКЛАШИШ, УНГА ХАРИДОР ҲИСОБЛАНГАН НУФУЗЛИ КОРХОНАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ МАҚСАДИДА “ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТХОЛДИНГ” КОМПАНИЯСИ БИЛАН МУЗОКАРА ОЛИБ БОРИЛДИ. НАТИЖАДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛУВЧИ НУФУЗЛИ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ШАКЛЛАНДИ. УШБУ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ЭСА, ИТТИФОҚНИНГ РАСМИЙ САЙТИ ВА ТЕЛЕГРАММ КАНАЛЛАРИГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ.**

Ҳар бир соҳанинг истиқболи ўз вақтида қўлга киритилган натижага боғлиқ. Шу маънода фермер ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот харидорини топса янада юксак маррани кўзлаб ҳаракат қилади. Ёш тадбиркор, фермер ва ҳунармандларда ана шундай ишончни уйғотиш мақсадида илк бор “Ёшлар — келажак бунёдкори” шиори остида улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг Республика кўргазма-савдоси ўтказилди.

**ЁШ ФЕРМЕРЛАР ТАКЛИФИГА БИНОАН, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА АГРОТЕХНИК БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА “УСТОЗ-ШОГИРД” АНЪАНАСИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.**

Ёш фермерлар ҳамда соҳага қизиқувчи тенгдошларнинг замонавий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг ёш олимлар билан кооперацион алоқаларини таъминлаш каби мақсадларни амалга ошириш учун Қуйи Чирчиқ туманида намунали “Ёшлар агрокластери” ташкил этилди. Шунингдек, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги ёшлар сиёсати соҳасида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурига асосан, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида ҳам “Ёшлар агрокластери” ташкил этилди. Натижада ёш фермерлар ҳамда фермерликка қизиқувчиларнинг боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби соҳалар учун тажриба ва билим алмашиш майдони юзага келди. Айни пайтда республикамизнинг қолган ҳудудларида ҳам шу каби агрокластерларни ташкил этиш борасида амалий ишлар давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ёш фермерлар ва соҳага қизиқувчи тенгдошларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган тизим яратилди.

# ТЕР ТЎККАНГА МИНГ ТАНГА

Рустамжон ИБРАГИМОВ,
“Ёшларга имкон” лойиҳаси раҳбари



**2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлари билан учрашганида Президентимиз янги тузилган Ёшлар иттифоқи олдига уюшмаган ёшларни бирлаштириш вазифасини қўйганди.**

Бу масалада энг мақбул ечим йигит-қизларнинг бандлигини таъминлашдир. Ана шу мақсадда Иттифоқ қошида “Ёшларга имкон” марказини туздик.

Муассаса фаолиятини йўлга қўйишда Англиядаги “Job Cafe” лойиҳасидан андаза олдик. Бунда ёшларга бир марталик иш топиб берилади. Ташкилот иш берувчи ва ходим ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди.

Даставвал пойтахтимиздаги саккизта мардикор бозорига бориб, вазиятни обдон ўргандик. Иш излаб сарсон-саргардон бўлиб юрган 285 нафар йигит-қизнинг 39 нафарига доимий, 140 нафарига вақтинча иш топиб бердик. Шунингдек, Сергели тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда қолган йигитларни арзон уй-жойлар қурилишига жалб этдик. Улар ўртасида ҳатто спорт мусобақалари ташкил этилди.

Вақтинча иш излаётганлар ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш мақсадида www.imkon.yi.uz сайти ҳам яратилган. Эндиликда унинг оммабоплигини ошириш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Сардор ЖЎРАЕВ,
Нишон тумани ҳокими ўринбосари

**Эсимни танибманки, ёшлар ташкилоти аъзосиман. Шу муҳитда камолга етдим, десам муболаға бўлмайди. Асосан тадбиркорлик йўналишида фаолият юритганман.**

# КАЙФИЯТНИ ЎЗГАРТИРИШ ЗАРУР



Юртимизда шу соҳада келажагини кўраётган ташаббускор ёшлар талайгина. Ўз ўрнида, уларга далда, кўмак керак. Иттифоқдаги фаолиятим давомида ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаш, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш, ички туризмни ривожлантиришга қаратилган бир қатор йирик лойиҳаларни амалга оширдим.

Мана энди катта ишонч билдирилиб, Нишон тумани ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинландим. Аввалига янги муҳитга кўникиш қийинчилик туғдирди. Лекин астойдил ҳаракат қилсангиз, ҳар қандай ишни уддаласа бўлади.

Дастлаб туманимиз аҳолиси билан сайёр учрашувлар ўтказиб, ижтимоий аҳволини ўргандим. Кўпчилик тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи. Уларга амалий ёрдам кўрсатяпмиз.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам бел боғладик. Қолаверса, тадбиркорларнинг хорижда ўтказилаётган кўргазмаларда қатнашишига имкон яратяпмиз.

Ёш раҳбар сифатида қилмоқчи бўлган ишларим кўп. Мен одамларнинг ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартирмоқчиман. Тан олиш керак, айрим ёшлар бирон иш бошлашдан аввал минг югурмай фойдаси йўқ, ҳеч ким ёрдам бермайди, қабилида фикр юритади. Бундай кайфиятни ўзгартириш зарур.

# КАСАЛНИ ДАВОЛАГАНДАН КЎРА...

Жавлон ВАФОЕВ

**Ёш авлод ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол вояга етса Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қилади. Юртимизда бу йўлда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бунга жавобан йигит-қизлар ҳам халқаро майдонларда юрт шаънини муносиб ҳимоя қилиб, янги ғоялари билан мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшаётгани қувонарлидир.**

Бироқ бу ҳаммаси жойида дегани эмас. Жамиятда содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг маълум қисми ёшлар ва ўсмирлар ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Уларнинг билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолишининг олдини олиш, ҳаётда тўғри йўлдан адашмаслигига кўмак бериш Ўзбекистон ёшлар иттифоқи зиммасида турган асосий вазифалардан биридир.

Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган яхши, дейдилар. Шу маънода, Иттифоқ томонидан ҳудудларда ўтказилган **9 мингга яқин** тарғибот тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатлари минглаб йигит-қизнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш билан бирга, улар ўртасида соғлом муҳитни яратиб, қанчадан-қанча жиноят ва ҳуқуқбузарликлардан сақланиш имконини берди.

**P.S:** *Ушбу йўналишдаги тадбирларда 1 миллион 300 минг нафарга яқин ёш қамраб олинди.*

Бекорчилик — барча иллатнинг боши. Айтиш керак, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти доимий иш жойи ёки аниқ машғулотига эга бўлмаган йигит-қизлар томонидан содир этилмоқда. Ўтган давр мобайнида Иттифоқ, аввало, уюшмаган ёшлар қатламини ўрганиш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, қайта тайёрлаш ва бандлигини таъминлашга асосий эътиборни қаратди. Ҳудудларда “Фидойи ёшлар отрядлари” ташкил этилиб, улар пахта йиғим-терими, “Обод қишлоқ” лойиҳаси доирасида мавсумий иш билан таъминланди. Эзгу ташаббус уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига кўмаклашиб, юрт корига яраши учун имкон бермоқда.

**P.S:** *Лойиҳага **268 минг** нафардан зиёд уюшмаган ёш жалб этилиб, **390 минг** тоннадан ортиқ пахта ҳосили йиғиб-териб олинди. Шунингдек, **156 минг** нафар уюшмаган ёшлар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилиб, уларнинг 1 минг 500 нафардан зиёдига Иттифоқ тавсияси билан **26 миллиард** сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада **5 минг 300**га яқин иш ўрни яратилди.*

Иттифоқ ташаббуси билан ташкил этилган “Бўш иш ўринлари” меҳнат ярмаркалари минглаб оилаларга қувонч олиб кирди, ўн минглаб йигит-қиз ишли бўлди. Энди улар оиласи фаровонлигини таъминлаш баробарида Ватан равнақи йўлида меҳнат қилмоқда.

Бу эса ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар кескин камайишига олиб келди.

Яна бир муаммо. Аксарият ҳолатларда оиладаги муҳит, атрофдагиларнинг бепарволиги вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлаётир. Афсуски, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари ёшлар ҳуқуқбузарлик содир этгандан кейингина уларга эътибор қаратар эди. Бунинг оқибати аён. Вақтида олиб борилмаган тушунтириш ишлари салбий иллатларнинг янада



урчишига олиб келади. Зеро, пойдевор қийшиқ бўлса, юлдузга етганда ҳам бино қийшиқдир.

Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандумлари ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, муҳими, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни эрта бартараф этишга мустаҳкам асос бўлмоқда.

“Беайб парвардигор”, дейдилар. Негаки, инсон хатолардан холи эмас. Адашиб жиноят кўчасига кириб қолган кишиларни кечириш, ўз хулқ-атворини ўнглаб олиши учун унга имкон бериш энг олий фазилатлардан.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳам шунга амал қилган ҳолда ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар билан бевосита мулоқотга киришди. Уларнинг орзу-истакларига қулоқ тутди. Бу жараёнда ўз хатосини англаб, соғлом турмуш тарзига қайтишни истаган йигит-қизлар профилактик ҳисобдан чиқарилиб, уларнинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, адашиб жиноят кўчасига кирган, қилмишидан пушаймон бўлган ёшлар “Ёшлар кафиллиги” асосида суд залида озод этилиб, уларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланди.

Ўйлаб кўринг! Биргина шу ҳаракатларнинг ўзи қанча оилага қувонч олиб кирди. Қанча ота-она фарзанди дийдорига тўйиб яшайдиган бўлди. Минглаб йигит-қизлар қилмишидан тегишли хулоса чиқарди.

**P.S:** *Иттифоқ тавсияси билан **5 минг** нафарга яқин йигит-қиз профилактик рўйхатдан чиқарилди. **208 нафар** ёш “Ёшлар кафиллиги” асосида озод қилинди.*

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтиш керак, Иттифоқ ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда самарали усул — ёшларнинг ўзини ишга солди. Чунки келажак эгаларига катта ёшли инсонлардан кўра, ўз тенгқурлари тез таъсир қилади, албатта. Айни пайтда ҳудудларда ташкил этилган “Жасорат” клублари ички ишлар ходимларининг яқин кўмакчисига айланди.

**P.S:** *Бугунги кунда Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари қошида **443 та** шундай клублар тузилган бўлиб, улар томонидан шу пайтгача **15 мингдан** ортиқ рейдлар ўтказилди.*

Ёш авлод ниҳолга ўхшайди. У қандай тарбияланса, шундай вояга етади. Бунда оила, маҳалла ва жамиятдаги муҳит муҳим аҳамият касб этади. Ўзи, оиласи, халқи, маънавий илдизлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган навраста асло жиноят кўчасига қадам босмайди. Бунга эришиш учун нафақат Ёшлар иттифоқи, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши лозим. Шундагина кўзланган мақсадга эришамиз.

76-SON 2018-YIL 30-IYUN

www.yoshlarovozi.uz
yoshlarovozi@umail.uz

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

YOSHLAR OVOZI

## YOSHLIK ILHOMI

### ОНА

**Сарвиноз МАМАНОВА**

Бугун у она бўлди. Овози қўнғироқдек жарангдор қизча дунёга келди, юзида худди фариштанинг нуқси бор. Аёлнинг кўп йиллик орзуси ушалди. Бироқ айни дамда у ҳам энг бахтиёр, ҳам энг бахтсиз инсон эди. Она бўлгани — бахт, аммо фарзанди ногирон бўлиб туғилгани — мусибат.

Беш йил аввал уни холасининг ўғлига узатишганди. Ўшанда онаси: "Қийинчилик нималигини билмайсан, холанг сенга қаттиқ гапирмайди. Куёв ҳам ўзимизники, сени асраб-авайлайди", — деган эди. Аттанг, онаси янглишган экан.

Бугун дунёга келган норасида қизалоқда қандай гуноҳ бор-а?! Қиз бола туғилганидан бошлаб, унга сарпо-суруқ йиғилармиш. Ҳамма она бу ишни катта бахт-саодат, деб биларкан. У эса, мана шу бахтдан мосуво!

### ОТА

Болакайнинг тили "ота", деб чиқди. Ўшанда отанинг қувончи дунёларга сиғмай кетганди. У ўғлини бошига кўтарди, ҳаётининг мазмуни деб билди.

Кунларнинг бирида болакай йиқилиб тушди. У яна "ота!", деди. Ота: "Сенда айб йўқ, ҳамма айб ерда, болам", — дея ерни қаттиқ тепиб қўйди. Кейин болакай мактабга чиқди, дўстлари кўпайди. Бир куни у тенгдошларидан калтак еди. Яна отасини ёрдамга чақирди. Доимо ўғлининг раъйига қарайдиган ота бу сафар ҳам ўғлига озор етказганларнинг боплаб таъзирини берди. Айб кимдан ўтганини сўраб ҳам ўтирмади.

Ўғил мактабни тамомлади. Биринчи йил институтга киролмади. Яна отасидан мадад кутди. Падари унинг гапини ҳеч қачон ерда қолдирмаган. Таниш-билишларини ўртага солди. Ўғил талаба бўлди.

Отанинг қалби ўғли шахсий уловида юрадиган курсдошларига ҳавас қилишини сезди. Шунинг учун унга машина олиб берди. Ўғил падарини янада яхши кўриб кетди.

Бир куни ўғилнинг бошига оғир мусибат тушди. У умид билан отага талпинди. Садо чиқмади. Ўғил падари бу фоний дунёни тарк этганини англади. У ҳеч қачон отасини бу қадар қаттиқ соғинмаганди.

Қизиқ, ўғил бир куни отасидан садо чиқмаслигини хаёлига келтирмаган экан. У гангиб қолди. Бу "гангиш" жуда ёмон эди.

### ТАН ОЛИНИШ

Бир синфда икки ҳаваскор шоира ўқийди. Бири Гулсара — мактаб директорининг қизи. Иккинчиси — боғча қоровулининг фарзанди Нозима. Ҳар иккиси таҳририятга тинмай шеър олиб келади. Бироқ негадир Гулсаранинг ижодий ишларига алоҳида эътибор қаратилади-ю, Нозиманинг шеърларидан, албатта, бирон камчилик топилиб, қайтарилади.

Гулсара синфда "рақиби" борлигидан куюнади. Барибир ичи қоралиги бор-да, синфдошларига Нозиманинг ёзганларини камситиб кўрсатиб, ўзгача ҳузур топади. Аммо ўқувчилар ҳам анойилардан эмас. Кўпи Нозимага ён босади. Негаки у қиз жуда ювош ва содда. Ҳатто ғайирлик қилаётган Гулсарани ўзига дўст, деб билади.

Нозиманинг юрагида ростдан ҳам чўғ бор: қанчалаб танловларда ғолиб бўлди. Нозима учун муҳими бу эмас. Ижод бўстонида кезиб, мириқиб китоб мутолаа қилса, адабиёт оламида яшаса, бас. Шу зайлда ўзига нисбатан қилинаётган ноҳақликлар ҳам кўзига кўринмайди.

Гулсарага эса, ҳаддан зиёд эътибор қаратилгани боис, ёш "истеъдод" жуда тез танилди. Лекин юрагидаги чўғи бор одам бир кун келиб барибир "ярқ" этиб, юзага чиқади. Йиллар ўтди. Нозима элга танилди, тан олинди. Чунки унда покиза қалб ҳамда кучли истеъдод бор эди.

## 1 SAVOLGA 1 JAVOB



**Отам — ҳарбий. Икки йил аввал хизмат вазифасини тугатиб истеъфога чиққан. Яқинда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларига тест синовларисиз қабул қилинишини эшитдим. Бу имкониятдан мен ҳам фойдалана оламанми?**

**Хондамир ЖАМОЛОВ**
Китоб шаҳри

**Саволга Мудофаа вазирлиги юридик хизмати бошлиғи ўринбосари, майор Музаффар МАҚСУДОВ жавоб беради:**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарорига мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар, ҳарбий хизматни ўташда ҳалок бўлган, ногирон ёки касалликларга чалинган ҳарбийларнинг фарзандлари олий ва олий ҳарбий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Ушбу имтиёздан тегишли вазирлик ёки идораларнинг тавсияномасига эга бўлганлар фойдаланиши мумкин. Квота чегарасида ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади.

Шунингдек, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, тўлов-шартнома асосида олий таълим муассасаларига ўқишга кирган, ҳарбий хизматни ўташда ҳалок бўлган офицерлар, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарларнинг фарзандлари учун шартнома пули тўлаб берилади.

## O`QING, BU QIZIQ!

**Тристан да Куня ороли Африка ва Жанубий Америка ўртасида жойлашган. У ерда бор-йўғи 270 киши истиқомат қилади. Аксарияти балиқчилар.**

**Оролга фақат кема орқали бориш мумкин. Аэропорт мавжуд эмас, мобиль алоқа ва интернетдан ҳам фойдаланиб бўлмайди.**





**V асрда мисрлик йигитлар армия хизматидан қочиш учун бир кўзини ўйиб олган. Шунда мамлакат ҳукмдори Муҳаммад Али бир кўзли аскарлардан иборат иккита пиёда полк тузади.**

**Данияда сигарет чекмайдиган талабаларга машғулотлар пайтида ухлашга рухсат берилган. Чекишга қарши курашишнинг ажойиб йўли!**



## HAYOT SABOG`I

**Нодирабегим ИБРОҲИМОВА**

# ГЎДАККА "ЁҚМАГАН" ИСМ

**Севиб-севилиб турмуш қурдик. Фарзандли бўлиш хушхабари ўртамиздаги муҳаббатни янада кучайтирди. Кўзим ёриб, ўғлимни бағримга босдим. Туғруқхонадан чиқишимиздан аввал турмуш ўртоғим чақалоққа танланажак исм ҳақида сўради.**

— Ўғил бўлса мен, қиз бўлса сиз исм қўйишга келишгандик-ку, — дея эътироз билдирдим бироз оғриниб.

— Тўғрику-я, аммо... — иккиланди хўжайиним. — Тўнғичимга ота-онам исм қўйса маъқулмикан? Кеча дадам набирам муборак рамазон ойида туғилди. Шунга Абдуллоҳ, Абдураҳим, Муҳаммад каби гўзал исмлардан бирини танласак, деб таклиф берди...

— Эскича исмларни ёқтирмайман! — дедим чўрт кесиб. — Ўғил туғилса Амирхон деб исм қўйишни орзу қилардим.

— Биламан, фикру ёдинг кино юлдузларида, аммо бу кино эмас ҳаёт!

Иккимиз роса тортишдик. Йиғлай бошлаганимдан сўнг Азиз акам ён берди.

— Кўп асабийлашма, сенга мумкин эмас. Яхшиси, боламизга қара. Майли, уйдагилар билан гаплашиб кўраман.

Уйда нима гаплар ўтганини билмадим-у, лекин туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада Амирхон исмини кўриб ичимдан суюндим...

Бир ёшга тўлгунча Амирхоним жуда йиғлоқи бўлиб, кўп касал бўларди. Шифокорлар иммунитети паст, деса, қайнонам кўз текканини уқтирди. Хуллас, йил бўйи ҳаловатсиз яшадим. Бир куни қўшним гап топиб келди:

— Бола исмини ёқтирмаса ҳам шундай инжиқ, нимжон бўлармиш. Синглим ўғлининг исмини ўзгартирган экан, бинойидек бўлиб кетди.



Тортиниб қайнонамга қарадим. У кўзини ерга тикканча ўй сурарди...

— Бу ҳақда аввал ҳам эшитгандим, — деди озроқ сукутдан сўнг. — Билмадим... келин рози бўлармикин?

Мен эса, йиғламсираб жавоб қайтардим:

— Болам соғ бўлса-бўлди! Нима десанглар шу. Ўшанда тортишиб хато қилибман, узр...

Фарзандимизга қайнотам истаганидек Абдуллоҳ деб исм қўйдик. Гувоҳномани ўзгартирдик. Бобоси қўй сўйиб, эҳсон ҳам қилди. Бахтимга боламнинг ривожланиши, гапириши, овқатланиши изига тушиб, тинч ухлайдиган бўлди. Ўшанда билдимки, туғилган гўдакларга, аввало, кексалар, нуроний бобо-бувилар исм танлаб берса, хосияти бошқача бўларкан. Ўзбошимчалик қилган мендек ёшлар эса, бундан тўғри хулоса чиқаради, деб умид қиламан. Айни пайтда иккинчи фарзандимизни кутяпмиз. Унга, албатта, бувижониси гўзал бир исм қўяди...

Талабалик йўлида ҳеч зоғ оёқдан чалиб йиқмас,
"Имтиёзлар" кўплигидан "ола" қарға қишдан чиқмас!..




Шеър-тасвир муаллифи: Жаҳонгир МИРЗО.

"RESPUBLIKA MULK MARKAZI"

масъулияти чекланган жамияти "Poytaxt" филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК "Ўзаэронавигация" марказига тегишли,Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Локомотив кўчаси, 13-уйда сақланаётган қуйидаги станок ва автотранспорт воситалари такрорий савдога қўйилмоқда:

1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 229 МВА бўлган техник носоз "Damas". Бошланғич баҳоси — 5 416 000 сўм;

1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 986 ZDA бўлган техник носоз "Damas". Бошланғич баҳоси — 5 416 000 сўм;

1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 246 МВА бўлган техник носоз "Damas". Бошланғич баҳоси — 5 081 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 27 июль куни соат 11:00 да бошланади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2018 йил 24 июль, соат 16:00 гача.

Савдо ғолибига 5 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр Банк" Яккасарой филиалидаги МФО: 01069, СТИР: 200933850 2020 8000 0005 7145 2002 ҳисоб рақамига ўтказиши шарт.

Очиқ аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.
Телефон: (0371) 236-38-28. Веб-сайт: www.rmm.uz.
Гувоҳнома № 001805.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович
Норбоев Жамолиддин Жуманазар ўғли

Навбатчи
Боборавшан Ғозиддинов

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г- 636
Адади — 23676

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5